

Словенияда 1400 кишини сиғдира оладиган илк масжид очилди



13:37 / 04.02.2020 3404

Душанба куни Словения пойтахти Люблянада мамлакатдаги биринчи масжид очилди. Бу ҳақда arabnews.com манбасига таяниб, tarjumon.uz сайти хабар беради.

Исломиёв жамият раҳбари Муфти Недзад Грабуснинг айтишича, масжиднинг очилиши уларнинг ҳаётида «бурилиш нуқтаси» бўлди.

1960 йилларнинг охирида Словениядаги мусулмонлар мамлакатда масжид очилиши учун мурожаат қилганди. У пайтда Словения Собиқ Югославия таркибида бўлган.


Ниҳоят, 2005 йилда масжид қуришга рухсат олинди. Аммо Парламентдаги сиёсатчилар, муҳолиф ташкилотлар қаршилиги, шунингдек, молиявий

қийинчиликлар ибодатгоҳ бунёд этилишига тўсқинлик қилди.

Ниҳоят, 2013 йилда масжид қурилиши бошланди. Унга сарфланган 34 миллион еврнинг (39 миллион доллар), 28 миллион еври Қатар томонидан ҳайрия қилинди.

1400 нафар кишини ўз бағрига сиғдира оладиган масжид, Исламий Маданият Марказини ҳам ўз ичига олади. Марказда оффислар, таълим маркази, ресторан, баскетбол майдони, мусулмон имомлари учун турар жой ва 40 метрли минора мавжуд.


Image not found or type unknown



Шу пайтгача мусулмонлар ижарага олинган спорт залларида ёки биноларда ибодат ва маросимлар ўтказиб келишган. Словенияда ҳозирда

80,000 нафар атрофида мусулмон истиқомат қилади.

Image not found or type unknown



Словениялик мусулмон Азра Лекович масжид очилиши «муҳим» ҳодисалигини таъкидлар экан, унинг 22 ва 24 ёшли болалари йиллар давомида ўз динларидан узоқда бўлганини айтди.

«Умид қиламанки, масжид очилиши фарзандларимга яна Ислом ҳамжамияти билан алоқада бўлиш, илғор одамлар билан учрашиш ва ўз динларини ўргатадиган дўстларни топиш имконини беради», дейди Лейкович.

Islom.uz портали таҳририяти